“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ТАТУ Фарғона филиали директори
А.М.Расулов
“05” январь 2021 йил

2. ЎҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш хамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликларининг таълим, соғлиқни сақлаш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Филиал Кенгаши қарорларини, Филиал директорининг буйруқ ва топшириқларининг бажарилишини ташкил этиш;
- Филиал тузилмаси бўйича ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига бўйсинувчи бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;
- Давлат таълим стандартлари асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-тарбиявий ишларини ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш;
- Давлат таълим стандартларига мувофиқ билимлар мазмуни ва тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини барча деканлар ва бўлимлар, кафедра мудирлари ва педагог ўқитувчиларнинг тўлиқ билишини таъминлаш;
- Илғор мамлакатлар таълим тизимининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва бошқа таълимга оид қонунлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантиришга оид Қарор ва Фармонларида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш борасидаги замонавий услуб ва янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- Ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шаклларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;
- Ўқув жараёнини таъминлайдиган бўлимлар, деканатлар ишларини мувофиқлаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш;
- Ўқув жараёнини таъминлайдиган бўлимлар, факультет ва кафедралар иш режаларини тасдиқлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Ўтилаётган дарсларнинг сифатини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг шахсий режалари бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш;
- Ўқитишнинг замонавий техник воситалар асосида хамда чет тилларида ўтилишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- Ахборот ресурс марказини замонавий ўқув адабиётлари, мажмуалари, дарсликлари хамда электрон дарсликлар билан таъминланишини амалга ошириш ва назорат қилиш;
- Ўқув ва илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш, Филиал услубий кенгаши ва педагогик маҳоратни ошириш ишларига раҳбарлик қилиш, илғор услубий тажрибаларни умумлаштириш;
- Талабаларнинг ишлаб-чиқариш амалиёти ўтишини таъминлаш ва уни назорат қилиш;
- Ўқув-услубий ва илмий ишлар материалларини, шу жумладан, журналлар ва илмий ишлар тўпламларини Филиал педагог ходимлари томонидан тайёрлаш ва нашр этиш жараёни хамда Филиалнинг барча таълим ва илмий фаолият йўналишлари бўйича ўқув-услубий ва илмий даврий нашрлар билан кутубхона фондини тўлдириб туриш бўйича умумий раҳбарликни олиб бориш;
- Филиал факультет, кафедра ва бўлимларининг ўқув-услубий фаолиятлари юзасидан Кенгаш йигилишларида режа асосида хисобот бериш;
- Бакалаврият талабаларнинг Давлат аттестациялари ва магистратура талабаларининг битирув малакавий ишлари ҳимояларини ташкил қилиш ва ўтказилишини назорат қилиш;
- Филиални битирувчи мутахассисларни ишга тақсимлаш ва йўналтириш бўйича тадбирларни ўтказилишини назорат қилиш;
- Таълим йўналишлари бўйича “Ишчи ўқув режа”, “Ишчи ўқув дастур”, “Ўқув жадвал” ва “Дарс жадвал”ларини ишлаб чиқилишини тасдиқлаш ва бажарилишини назорат қилиш;
- Талабалар контингентининг йиллик ҳамда чорак ҳисоботларини тайёрлашини назорат қилиш;
- Филиал профессор-ўқитувчи ва ҳодимларининг малакаларини оширишлари бўйича малака ошириш Филиаллари ва марказлари билан шартномалар тузиш, малака оширувчи педагоглар

контингентини шакллантириш, режалар ишлаб чиқиш, педагогларни малака ошириш Филиаллари ва марказларига режа асосида юборилишини назорат қилиш;

- Талабаларга стипендиялар тайинланлаш комиссияси фаолиятини бошқариш ва стипендия тайинлашнинг қонунийлигини ва холисоналигини таъминлаш;
- Талабалар билимини бахолаш рейтинг тизимини шаффофлигини назорат қилиш;
- Иқтидорли ёшларни излаш, саралаш ва улар билан ишлаш жараёнларини бошқариш ва уларга кўмаклашиш, талабалар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти стипндияси Ибн Сино номли давлат стипендияси ва бошқа номдор стипендиялар совриндорларини тайёрлаш жараёнини бошқариш;
- Профессор-ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи ходимлар штатлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, кафедралар, бўлимларни малакали кадрлар билан таъминлаш ишларини ташкил этиш;
- Бўш лавозимларга педаголарни танлов асосида ишга қабул қилиш ва магистр даражасига эга бўлган шахсларни Филиалда ишлаш учун олиб қолиш бўйича директорга таклифлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар таркибини ёш кадрлар билан тўлдириш ва малакасини ошириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- Ўқув хоналаридан унумли фойдаланиш, аудитория ва лабораторияларни техник жиҳозлашни такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- Меҳнат ва ижро интизомини бузган ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси қўллаш ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича директорга таклифлар киритиш;
- Таълим сифатини такомиллаштириш, мутахассис-кадрларни халқаро талаблар асосида тайёрлашни таъминлаш мақсадида хорижий мамлакатларнинг турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;
- Факультет ва кафедралар ва бўлимларнинг йиллик фаолияти бўйича хисоботларини таҳлил қилиш ва директорга хулосалар киритиш, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий фаолиятини замонавий усулларда баҳолашни амалга ошириш;
- Таянч олий таълим муассасалари ва илмий текшириш Филиаллари билан ўқув-услубий йўналишда доимий ҳамкорликни амалга ошириш, конференция, семинарларда профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ишлаш;
- Ўрнатилган тартибда Филиалнинг йиллик рейтингини аниқлаш, таҳлил қилиш, фаолиятни такомиллаштиришга оид ишларни амалга ошириш;
- Филиал ни ўрнатилган тартибда доимий ички аттестациядан ўтказиш, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан Филиал фаолиятини аттестациядан ўтказишга тайёрлаш ва унда фаол иштирок этиш;
- Филиал директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки қабулини амалга ошириш хамда мурожаатларни кўриб чиқиш;
- Филиал Устави, ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари, кийиниш маданияти талабларини бажарилишини таъминлаш ва риоя қилиш.

Билиши керак:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонлари ва Фармойишлари, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш хамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирликларининг таълим, соғлиқни сақлаш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қарорларини, Филиал Кенгаши қарорларининг мохиятини билиш;

Малака талаблари:

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва кўникмаларга;
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига;
- ОТМда бакалаврлар, магистрлар ва клиник ординаторлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши зарур;
- Олий таълим муассасасининг тегишли бошқарув бўғинларида - кафедра мудири, факультет декани ёки ўринбосари каби раҳбарлик лавозимларида камида 5 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
2288	ОТМ директор ўринбосари	1210	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра